



205

2016 у.г. «5» июл № 2150-К Самарқанд т.-р. Самарқанд

Фуқаро Абдуллаева Мухабатгага лимонария ташкил этиш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирадиган иссиқхона ташкил этиш учун ер майдони ажратиш ҳақида.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги “озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорларини тўлдиришга доир қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1047-сонли қарори, туман ҳокимлиги ҳудуддаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссия йиғилишининг баённомаси, Самарқанд вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг 2016 йил 13 июндаги 758-сонли хулосаси, ишчи гуруҳи томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси ҳамда фуқаро Абдуллаева Мухабатганинг туман ҳокими номига ёзган хатини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 23-моддасига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссия йиғилишининг фуқаро Абдуллаева Мухабатгага лимонария ташкил этиш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирадиган иссиқхона қуришга розилик бериш ҳақидаги баённомаси ҳамда ишчи гуруҳи томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси тасдиқлансин.
2. Фуқаро Абдуллаева Мухабатгага лимонария ташкил этиш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирадиган иссиқхона қуриш учун МЧ “Мотрит-Сервис” агрофирмаси ер харитасининг 297 контуридан жами 1,1 га (шундан: 0,5 га туман захирасидаги сувли ерлар ҳисобидан) ер майдони ажратилсин.
3. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ кодекси»га асосан ер солиғини ундириш ва 2017 йил январ ҳолатидаги ер балансига ўзгартириш киритиш туман Давлат солиқ инспекцияси (З. Зоҳидов) ва туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (А. Қўлимов)га топширилсин.
4. Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 36-моддаси талабларини қатъий ҳолда ушбу қарор ўз кучини юқотган деб ҳисоблансин.
5. Ушбу қарор бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Қ. Қурбонов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б. Кадиров